

---

27 апрел куни Тожикистоннинг сайёҳлик компанияларидан иборат делегацияси Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Ташриф доирасида туризм соҳасининг хорижий вакиллари минтақанинг сайёҳлик салоҳияти билан танишдилар. Хусусан, Қўқоннинг тарихий обидалари, жумладан, Худоярхон саройи ва Жомий масжиди, Марғилоннинг Пир Сиддиқ мажмуаси, Саид Аҳмадхўжа мадрасаси, “Ёдгорлик” ипак фабрикаси ва Риштоннинг Саид Аҳмедовнинг кулолчилик устахонаси билан танишдилар.

Шунингдек, Фарғона ҳудудий туризмни ривожлантириш бошқармасида делегацияси маҳаллий сайёҳлик компаниялари билан учрашиш имконига ега бўлди. Учрашув якунида «Фарғона водийси Саёх», «Дилкам МК», «Ал-Фергани Тур» каби фирмалар «Бозори Вору» МЧЖга қарашли “Марко Поло” компанияси билан ўзаро манфаатли шартномалар туздилар.

2018-04-28 18:46:50